


ISSN 2181-1369

IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№4

*Journal of Irrigation
and Melioration*



МАҲАЛЛА ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИЧКИ ЕР ТАҚСИМОТИ АСОСИДА ЕР БАЛАНСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР

Қосимджон Рахмонов - доцент, т.ф.д. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети

Аннотация

Мақолада маҳалла фуқаролари йиғини ер фондидаги таркибий ўзгаришлар, муайян фермер хўжалиги ва ердан фойдаланувчи субъектлар ва уларга бириктирилган ер участкаларини шакллантириш шартлари ҳамда мезонларига таъсир ўтказувчи омилларнинг моҳияти батафсил ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжалиги ёки маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги ердан фойдаланувчи субъектлар ҳудудида ер ҳисобини юритишга оид формулалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, туман ер фонди тақсимида ердан фойдаланувчи субъектларнинг идоравий мансублигидан келиб чиқиб, ер участкаларини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни ҳам инобатга олиш зарурлиги жиҳатдан асосланган.

Калит сўзлар: ер фонди, ердан фойдаланувчи субъект, ер контури, ўзга ердан фойдаланувчи, ер баланси, сервитут, ички ер тақсими, захира ер майдони.

ТВОРЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К РАЗВИТИЮ ЗЕМЕЛЬНОГО БАЛАНСА НА ОСНОВЕ ВНУТРЕННЕГО ЗЕМЕЛЬНОГО РАСПРЕДЕЛЕНИЯ В МАХАЛЛАХ И СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ СОБРАНИЯХ

Қосимджон Рахмонов — доцент, доктор технических наук Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Аннотация

В статье подробно описан характер факторов, влияющих на структурные изменения в земельном фонде махалльского гражданского собрания, условия и критерии формирования конкретных хозяйств и землепользователей, а также прикрепленных к ним земельных участков. В результате проведенного исследования разработаны формулы ведения земельного учета на территории хозяйств или землепользователей, осуществляющих сельскохозяйственную деятельность на территории махалльских гражданских собраний. Обоснована также необходимость учета факторов, влияющих на формирование земельных участков, на основе ведомственной принадлежности землепользователей при распределении районного земельного фонда.

Ключевые слова: земельный фонд, землепользователь, контур земли, другой землепользователь, земельный баланс, сервитут, внутреннее земельное распределение, резервная площадь земли.

CREATIVE APPROACHES TO DEVELOPING LAND BALANCE BASED ON INTERNAL LAND DISTRIBUTION IN MAHALLA AND FARM ASSEMBLIES

Q.Rakhmonov – associate professor (DSc), “Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers” National research university.

Abstract

The article describes in detail the nature of the factors influencing the structural changes in the land fund of the mahalla citizens' assembly, the conditions and criteria for the formation of specific farms and land-using entities and land plots attached to them. As a result of the research conducted, formulas were developed for maintaining land accounting in the territory of farms or land-using entities operating in agriculture in the territory of mahalla citizens' assemblies. It is also justified by the need to take into account the factors influencing the formation of land plots, based on the departmental affiliation of land-using entities in the distribution of the district land fund.

Key words: land fund, land user, land contour, other land user, land balance, easement, internal land distribution, reserve land area.

Кириш. Муайян ер участкасида ердан фойдаланиш мақсади, ихтисослиги, ер тоифасига мансублиги, ердан фойдаланувчи субъектлар фаолиятидаги ўзгаришлар оқибатида ердан фойдаланиш мақсади ҳам ўзгача белгиланиши кузатилади. Шунини қайд этиш ўринлики, ер тоифаларидаги ҳар бир ер участкасидаги майдон ўзгариши бошқа тоифалар умумий майдонига ва чегарасидаги ўзгаришларга сабаб бўлиши тадқиқотлат давомида аниқланган. Албатта бу жараён ер участкаларининг сони, майдони, чегараси ва техник-ҳуқуқий мақомларига ўз таъсирини ўтказиши кузатилган [].

Маъмурий-ҳудудий бирликлар даражасида ва ҳар бир ер тоифаси таркибида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектлар ҳамда туман (шаҳар) ва давлат захира ер фонди таркибидаги ер участкалари майдонларини ҳам инобатга олган ҳолда шакллантирилиши назарда тутилса, муайян ер тоифасининг жами майдонини аниқлаш мумкин бўлади. Чунки, ер тоифалари таркибидаги ер фондларини республика бўйича шакллантиришда уларга бириктирилган ер участкаларининг сони, майдони, чегараси, фойдаланиш мақсади каби омиллар учун чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Масаланинг қўйилиши. Давлат миқёсида амалда шакллантирилган ер участкаларининг қайси ердан фойдаланувчи субъектга бириктирилганлиги ва унинг давлат бошқарув идораларига мансублиги нуқтаи назаридан ер тақсимооти, қайта тақсимооти, назорати, тасарруф этилиши, ҳуқуқий мақоми ва фойдаланиш режимини аниқлаш зарур[].

Шу нуқтаи назардан ердан фойдаланишни бошқариш, уни назорат қилиш, иқтисодиёт тармоқларидаги майдонларда ерни қайта тақсимооти масалаларини тадқиқ қилишда энг оптимал ечимларни аниқлашга хизмат қилиши эътироф этилган ҳар бир ер тоифаси таркибидаги ер турлари майдонлари бўйича уларнинг салмоғини белгилаш, ердан фойдаланувчининг идоравий мансублиги ва мақсад йўналишларини белгилашда ер кадастри ҳужжатларининг сифати муҳим ўрин тутди.

Ердан фойдаланувчиларнинг идоравий бошқарув таркибидаги ҳуқуқ-тартибот органларининг функцияси ҳам аҳамиятли ҳисобланади [6]. Албатта, бунда ердан фойдаланувчи субъектларнинг фаолияти уларга бириктирилган ер участкалари майдонларидан мақсадли, самарали, тўлиқ ва оқилона фойдаланиш масалаларига қонун ва

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган талаблар доирасида олиб бориладиган назорат фаолиятлари деб тушинилади.

Юқорида қайд муаммолар тизимлар негизида алоҳида олинган ер участкасидан олинган ер кадастрининг таркибий қисмларига мос бўлган маълумотлар тўплами, уларнинг аниқлиги, ҳаққонийлиги, шаффофлиги ва кўргазмалик даражаси ҳамда электрон тарзда истеъмолчиларга узатиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ечиш усуллари. Маълумки, муайян ер участкаси бевосита ва билвосита фойдаланишдаги ер майдонларидан таркиб топади [7]. Аммо, айрим ер участкалари ҳудудида ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар ҳам фаолият юритиши мумкинлиги аниқланган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ер участкалари таркибида 2 млн. 500 мингдан зиёд ер контурлари сони мавжудлиги аниқланган.

Куйидаги расмда ер участкасидаги бевосита ва билвосита фойдаланишдаги ер турлари ҳамда ўзга ердан фойдаланувчилар тизими кўрсатилган (1-расм).



1-расм. Муайян ер участкасида ер тақсимотини шакллантириш омиллари.

Қайд этилган 1-расмда акс эттирилган тизимга асосан, муайян ер участкасининг умумий майдони куйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

$$M_{ey} = \sum_{ek=1}^n M_{ek} + \sum_{ye\phi c=1}^m M_{ye\phi c} + \sum_1^n M_{\phi em} \quad (1)$$

Бунда: M_{ey} – ер участкасининг умумий ер майдони, га;

$\sum_{ek=1}^n M_{ek}$ – фойдаланишдаги ер контурлари умумий ер майдони, га;

$\sum_{ye\phi c=1}^m M_{ye\phi c}$ – тадқиқ қилинаётган ер участкаси ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли ер участкалари майдонлари, га.

$\sum_1^n M$ - Фойдаланилмаётган ер майдонлари (ер контурлари кесимида).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муайян ер участкаси таркибидаги ер контурларини фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқиб 4 та шартли гуруҳларга ажратиш мумкин. 1-гуруҳ, бевосита фермер хўжалиги ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадидаги банд қилинган ер контурлари, 2-гуруҳ, бевосита фойдаланиладиган ерларга хизмат кўрсатиш мақсадларидаги объект эгаллаган ер контурлари ҳисобланади. 3-гуруҳга эса айрим ҳолларда фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар ер участкаларининг ер контурлари назарда тутилади. 4-гуруҳга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини киритиш зарур. Демак, фермер хўжалиги тасарруфидаги фойдаланилаётган майдон ($\sum_{EK=1}^n M_{ек}$) нинг ўлчами қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш тавсия этилади:

$$\sum_{EK=1}^n M_{ек} = \sum_{EK=1}^n M_{б.ф.ек} + \sum_{EK=1}^n M_{бил.ф.ек} \quad (2)$$

Бунда, $\sum_{EK=1}^n M_{ек}$ - фермер хўжалиги тасарруфидаги бевосита ва билвосита фойдаланиладиган ер турлари майдони, га

$\sum_{EK=1}^n M_{б.ф.ек}$ - фермер хўжалиги томонидан бевосита фойдаланиладиган ер контурлари майдони, га

$\sum_{EK=1}^n M_{бил.ф.ек}$ - фермер хўжалиги томонидан билвосита фойдаланиладиган ер контурлари майдони, га.

Маълумки, амалда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчи субъектларга бир ёки бир нечта ер участкалари бириктирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда муайян ердан фойдаланувчи субъектнинг умумий майдони унинг тасарруфидаги ер участкалари майдонлари йиғиндисига тенг деб ҳисобланади. Бунда, унинг умумий майдонини қуйидаги тенглик асосида ҳисобласх тавсия этилади:

$$M_{ЕФС} = \sum_{е.у=1}^n M_{е.у} \quad (3)$$

Бунда, $M_{ЕФС}$ - муайян ЕФСнинг жами ер майдонлари, га

$\sum_{е.у=1}^n M_{е.у}$ - ЕФС тасарруфидаги ер участкалари майдонлари йиғиндисига, га.

Ушбу формула ёрдамида маҳалла фуқаролар йиғинининг умумий ер майдони унинг ҳудудида жойлашган ер участкалари майдонларидан таркиб топган ҳолда аниқлаш мумкин бўлади.

Мазкур формула ёрдамида маҳалла фуқаролар йиғини учун аниқланадиган ер майдони 4 та гуруҳдан иборат бўлган ер участкаларини қамраб олиши кузатилади:

$$M_{мфй} = M_{ефс} + M_{мзе} + M_{јефс} + M_{дзе} \quad (4)$$

Бунда: $M_{мфй}$ – маҳалла фуқаролар йиғини умумий майдони, га;

$M_{ефс}$ – ердан фойдаланувчи субъектлар ер майдони, жами, га;

M_{tze} – туман захира ер фонди майдони, га;

M_{dze} – захира ерлари майдони, га.

Тадиқотлар давомида аниқландики, муайян маъмурий туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ер фонди уларга тақсимланган ҳолда фойдаланиш ташкил етилган. Шу нуқтаи назардан олганда, туман ер фондининг умумий майдони унинг тасарруфидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари майдонига тенгдир. Шундан келиб чиқиб, туман ер фондининг умумий майдонини қуйидаги тенглик ёрдамида ҳисоблаш мумкин бўлади:

$$M_{т.е.ф} = \sum_{МФй=1}^n M_{МФй} \quad (5)$$

Бунда, $M_{т.е.ф}$ - туман ер фонди майдони, га

$\sum_{МФй=1}^n M_{МФй}$ - туман тасарруфидаги МФЙлар майдонлари йиғиндиси, га.

Бажарилган таҳлилий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, муайян туман ҳудудида бир ёки бир нечта ўзга ердан фойдаланувчи субъектлар фаолият юритиши кузатилади. Ушбу, ердан фойдаланувчи субъектлар ўзга туман, шаҳар ёхуд республика бойсунувидаги идора ёки ташкилотлар таркибидаги ердан фойдаланувчилар бўлиши мумкин. Шунда юқоридаги қайд етилган формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M_{т.е.ф} = \sum_{МФй=1}^n M_{МФй} + \sum_{ў.е.ф=1}^n M_{ў.е.ф} \quad (6)$$

Бунда, $\sum_{МФй=1}^n M_{МФй}$ - туманга нисбатан ўзга ердан фойдаланувчилар майдонлари йиғиндиси, га

$\sum_{ў.е.ф=1}^n M_{ў.е.ф}$ - туман бошқарув ҳокимияти тасарруфига оид бўлмаган ЕФСлар майдонлари йиғиндиси, га.

Natijalar tahlili va misollar. Айрим ҳолларда туман ер фонди таркибига ўзга ҳудудларда жойлашган ер участкалари майдонларини қўшиш мумкин бўлади. Бунга мисол, Фарғона вилояти ер фонди таркибига Сўх тумани ер фонди ёки бир туманда давлат рўйхатидан ўтган ЕФСнинг бошқа туман ёки вилоятда фаолиёт юритаётган бўлими(филиали) эгаллаган ер участкаси бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, вилоят ер фонди майдонини қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M_{вил.} = \sum_{т.е.ф=1}^n M_{т.е.ф} + \sum_{ш.е.ф=1}^n M_{ш.е.ф} \quad (7)$$

Бунда, $M_{вил.}$ - вилоят ер фонди майдони, га

$\sum_{т.е.ф=1}^n M_{т.е.ф}$ - вилоят тасарруфидаги туманлар ер фонди майдонлари йиғиндиси, га

$\sum_{ш.е.ф=1}^n M_{ш.е.ф}$ - вилоят тасарруфидаги шаҳарлар ер фонди майдонлари йиғиндиси, га.

Маълумки, Республика ер фонди майдони 14 та маъмурий ҳудудий бирликлар майдонларига тенгдир. Шундан келиб чиқиб, республика ер фондининг умумий майдони ҚҚР, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар ер фондлари миқдорига тенг деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ушбу тенглик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{р.е.ф} = M_{ҚҚР} + M_{вил.е.ф} + M_{Тош.ш.е.ф} \quad (8)$$

Бунда, $M_{р.е.ф}$ – республика ер фонди умумий майдони, га

$M_{\text{ҚҚР}}$ – Қорақалпоғистон Республикаси ер фонди майдони, га

$M_{\text{vil..e.ф}}$ – 12 та вилоят таркибидаги ер фонди майдонлари, га

$M_{\text{тш.е.ф}}$ – Тошкент шаҳар ер фонди, га.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, республика ер фондини таркибига Фарғона вилояти тасарруфидаги Сўх ва Шохимардон ҳудудидаги ер майдонларини ҳам ер ҳисоботи кадастр ҳужжатларида ўз аксини топиши талаб этилади.

Республика ер балансини шакллантиришда қуйидаги ер кадастри ахборотлар тизимини алгоритм сифатида тадбиқ этиш тавсия этилади: ер контури (айрим ҳолатларда кичик ер контурлари мавжудлиги кузатилади) кесимида; ер участкасига оид ахборотлар (бирламчи ҳужжатлаштирилган ер кадастри ахборотлари); ердан фойдаланувчи субъектлар кесимида; маҳалла фуқаролар йиғини даражасидаги ер баланси маълумотлари; туман (шаҳар) ҳудуди бўйича шакллантирилган ер баланси маълумотлари; ҚҚР, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри ер баланси ҳужжатларида акс эттирилган кадастр ахборотлар жамланмиси; республика ер баланси ва унинг асосида ишлаб чиқиладиган ер ҳисоботлар тизими.

Юқорида қайд этилган ер кадастри ахборотлар занжирини мукаммал шакллантириш ишлари замонавий махсус электрон дастурлар ва ер баланси ҳужжатлари тўлиқ рақамлашган тарзда амалга ошириш тавсия этилади.

№	Адабиётлар	References
1	Тураев Р.А. Ведение мониторинга земель // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инновацион журнали. - Тошкент: «Ўздаверлойиха» ДИЛИ, 2021. - №4. - Б. 41-48.	Turaev R.A. <i>Vedenie monitoringa zemel</i> // "O'zbekiston zamini" scientific-practical and innovative journal. - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2021. - #4. - B. 41-48. (In russian)
2	Черкашина Е.В. Землеустроительное мероприятия как основа вовлечения в неиспользуемых с/х-х угодий // Фундаментальные исследования. - Москва, 2018. №5, С. - 124-129.	Cherkashina E.V. <i>Zemleustroitelnoe meropriyatiya kak osnova вовлечения в неиспользуемых с/х-х угодий</i> // Fundamental research. - Moscow, 2018. No. 5, pp. - 124-129. (In russian)
3	Abdullaev T.M., Turaev R.A., Inamov B.N., Abdullaeva M.T. The benefits of using modern technology in monitoring agricultural land // International journal of research culture society ISSN: 2456-6683 volume - 3, Issue - 10, Oct – 2019 Monthly, Peer-Revived, Refereed, indexed journal Scientific journal, Impact Factor Journal Scientific Journal: 4.526., Publication data: 2019. P. -157-158.	Abdullaev T.M., Turaev R.A., Inamov B.N., Abdullaeva M.T. The benefits of using modern technology in monitoring agricultural land // International journal of research culture society ISSN: 2456-6683 volume - 3, Issue - 10, Oct – 2019 Monthly, Peer-Revived, Refereed, indexed journal Scientific journal, Impact Factor Journal Scientific Journal: 4.526., Publication data: 2019. P. - 157-158.
4	Бабажанов А.Р., Хожиев Қ.М., Шаропов Р.Н. Ер ҳисобини юритиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари // “Агро илм” аграр иқтисодий илмий	Babazhanov A.R., Khojiev K.M., Sharopov R.N. <i>Yer hisobini yuritish tizimini yanada takomillashtirish masalalari</i> [Issues of further improving the land accounting system] // “Agro ilm”

	амалий журнал. Тошкент-2021. № 2. б.-19-21	agrarian economic scientific and practical journal. Tashkent-2021. № 2. p.-19-21 (In uzbek)
5	Тураев Р.А., Ташбаева Х.Х. Ерларни миқдорий ҳисобини юритишда ер ахборот тизими порталининг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали “Агро илм” илмий иловаси. Тошкент:, 2020. - № 70. б.114 - 115	Turaev R.A., Tashbaeva H.Kh. <i>Yerlarni miqdoriy hisobini yuritishda yer axborot tizimi portalining o'рни</i> [The role of the land information system portal in quantitative land accounting] // Scientific supplement to the Uzbek agricultural journal “Agro ilm”. Tashkent:, 2020. №. 70. p. -114 - 115
6	Babajanov A.R. and Inamov B.N. / Improvement of the existing technology of cadastral assessment of irrigated crop land in case of Uzbekistan E3S Web of CONFERENCES 590, 04004 (2024)	Babajanov A.R. and Inamov B.N. / Improvement of the existing technology of cadastral assessment of irrigated crop land in case of Uzbekistan E3S Web of CONFERENCES 590, 04004 (2024)
7	Khojiyev K.M., Alimakhamatova Sh.O., Zaripboyeva M.U. "Advantages of land use plans in land protection" // Cottom Science International scientific journal. 2024. Volume-4, Issue-1. 95-100 p.	Khojiyev K.M., Alimakhamatova Sh.O., Zaripboyeva M.U. "Advantages of land use plans in land protection" // Cottom Science International scientific journal. 2024. Volume-4, Issue-1. p. -95-100
8	Қ.Рахмонов, М.З.Абдурахимова. Ер ахборот тизими. Монография. “ТИҚХММИ” МТУ. Т.:2023 - б.	Q.Rakhmonov, M.Z.Abdurahimova. <i>Yer axborot tizimi</i> . [Land information system.] Monograph. "TIQXMMI" MTU. T.: 2023 - p. 135
9	Абдуллаев А.Х., Инамов Б.Н. Яроқсиз ҳолга келган экин ерларини қайта тиклаш масалалари // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журнали. - Тошкент, 2020. - №1. 18-22-б.	Abdullaev A.Kh., Inamov B.N. <i>Yaroqsiz holga kelgan ekin yerlarini qayta tiklash masalalari</i> [Issues of restoration of unusable arable lands] // Scientific, practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent, 2020. - No. 1. p. -18-22. (In uzbek)
10	Абдуллаев З.С. Ер ресурслари қийматини баҳолашнинг ахборот таъминоти асослари. Т., Фан, 2018. 78-б.	Abdullaev Z.S. <i>Yer resurslarini qiymatini baholashning axborot ta'minoti asoslari</i> [Fundamentals of information provision for assessing the value of land resources.] T.:, Fan, 2018. p. 78. (In uzbek)
11	Авезбаев С. Рақамли технологияларни қўллаб қишлоқ хўжалик экинлари мониторингини ташкил этиш // Scientific Progress Volume 3 ISSUE 2 2022 ISBN: 2181-1601. Page-717.	Avezbaev S. <i>Raqamli texnologiyalarni qo'llab qishloq xo'jalik ekinlari monitoringini tashkil etish</i> [Organization of monitoring of agricultural crops using digital technologies] // Scientific Progress Volume 3 ISSUE 2 2022 ISBN: 2181-1601. Page-717. (In uzbek)

12	Горбунова Ю.В., Сафонов А.Я. Инвентаризация и мониторинг земель населенных пунктов. ФГБОУ ВО «Красноярский государственный аграрный университет». 2018. – 209 б.	Gorbunova Yu.V., Safonov A.Ya. <i>Inventarizatsiya i monitoring zemel naselennix punktov</i> . Krasnoyarsk State Agrarian University. 2018. p. -209 (In russian)
13	Инамов Б.Н., Абдисаломов А.А. Суғориладиган экин ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журнал. - Тошкент: «Ўздаверлойиха» ДИЛИ, 2024. - №3. - Б. 35-38	Inamov B.N., Abdisalomov A.A. <i>Sug'oriladigan ekin yer maydonlaridan oqilona va samarali foydalanish tizimini takomillashtirish</i> [Improving the system of rational and effective use of irrigated arable land] // Scientific-practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2024. - №3. P. -35-38 (In uzbek)
14	Тураев Р.А. Қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини юритиш // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журна. - Тошкент: «Ўздаверлойиха» ДИЛИ, 2020. - №3. - Б. 32-35.	Turaev R.A. <i>Qishloq xo'jaligi yerlari monitoringini yuritish</i> [Monitoring of agricultural lands] // Scientific-practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2020. - №3. P. -32-35. (In uzbek)
15	Тураев Р.А. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ер мониторингини юритишнинг аҳамияти // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журна. - Тошкент: «Ўздаверлойиха» ДИЛИ, 2021. - №2. - Б. 42-45.	Turaev R.A. <i>Yerdan foydalanish samaradorligini oshirishda yer monitoringini yuritishning ahamiyati</i> [The importance of land monitoring in increasing the efficiency of land use] // Scientific, practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". - Tashkent: "Uzdaverloyiha" DILI, 2021. - №2. - P. - 42-45. (In uzbek)
16	Долгирев, А.В., Костюкова Ю.С. Проблемы и перспективы землеустройства в современных условиях // Проблемы агропромышленного комплекса стран Евразийского экономического союза: Материалы II - Международной научно-практической конференции. - Саратов: ООО «Центр социальных агроинноваций СГАУ», 2015. - С. 274-276.	Dolgirev, A.V., Kostyukova Yu.S. <i>Problemi i perspektivi zemleustroystva v sovremennix usloviyax</i> // Problems of the agro-industrial complex of the countries of the Eurasian Economic Union: Proceedings of the International scientific and practical conference. - Saratov: LLC "Center for Social Agroinnovations of SSAU", 2015. - P. -274-276. (In russian)
17	Тураев Р.А., Ташбаева Ҳ.Х. Ер ҳисобини юритишнинг қишлоқ хўжалигида аҳамияти // «Ўзбекистон замини» илмий-амалий ва инноватсион журна. Тошкент: -«ЎЗДАВЕРЛОЙИХА» ДИЛИ, 2020. - № 2. –Б. 17-19.	Turaev R.A., Tashbaeva H.Kh. <i>Yer hisobini yuritishning qishloq xo'jaligida ahamiyati</i> [The importance of land accounting in agriculture] // Scientific, practical and innovative journal "O'zbekiston zamini". Tashkent: -

		“UZDAVYERLOYIHA” DILI, 2020. - №. 2. – P. -17-19. (In uzbek)
18	Тураев Р.А., Ташбаева Х.Х. Ерларни миқдорий ҳисобини юритишда ер ахборот тизими порталнинг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали “Агро илм” илмий иловаси. – Тошкент: 2020. - № 70. 114-115. б.	Turaev R.A., Tashbaeva H.Kh. <i>Yerlarni miqdoriy hisobini yuritishda yer axborot tizimi portalining o'рни</i> [The role of the land information system portal in conducting quantitative land accounting] // Scientific supplement to the Uzbek agricultural journal “Agro ilm”. – Tashkent: 2020. - No. 70. p. -114-115. (In uzbek)
19	Volkov C.H., Cherkashina transfer into use of unused agricultural lands significance, challenge GES, Solutions // International Agriculture journal Vol 61 No. 4 2018. R. - 28-38.	Volkov C.H., Cherkashina transfer into use of unused agricultural lands significance, challenge GES, Solutions // International Agriculture journal Vol 61 No. 4 2018. P. - 28-38.
20	Инамов А.Н. ГАТ оиласига мансуб АрсГИС дастурий таъминотида ер ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали «Агроилм» иловаси. - Тошкент, 2020. 6[69]-сон. - Б. 81-	Inamov A.N. <i>GAT oilasiga mansub ArcGIS dasturiy ta'minotida yer hisobini yuritish tizimini avtomatlashtirish</i> [Automation of the land accounting system in the ArcGIS software of the GAT family] // "O'zbekiston qishloq xo'jaligi" journal, "Agroilm" supplement. - Tashkent, 2020. Issue 6[69]. - P. -81 (In uzbek)